



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 6 июн, сешанба №80 (912)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида

Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсири-ни кўчатириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, экспорт қилувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинган даромадларнинг ҳисоб-китоби алоҳида юритилади.

2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларидаги экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштирилган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловчилари бўлмиш кичик корхоналарга ҳам жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Таъқиқ иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта мuddатда амалдаги ҳисоб ва ҳисобот тизимини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинган даромадларнинг алоҳида ҳисоб-китоби юритилишини кўзда тутишлар.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб умумий савдо-сотик ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб мулк солиғи тўлашнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача миқдорда бўлганда - белгиланган мулк солиғи ставкаси 50 фоизга қайтарилади;

50 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганда - мулк солиғи ундирилмайди.

3. Ушбу Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ҳамда уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи иxtисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалари орқали сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга татбиқ этилади.

Мазкур имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютага ҳам ашё маҳсулотлари - пахта толаси, ип газлама калаваси, лент, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва юра металл экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан бирга бир ҳафта мuddатда ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўлланш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Экспорт қилувчи корхоналар учун айрим солиқ имтиёзлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар;

Хукуматнинг илгари қабул қилинган қарорларига тегишли ўзгартишлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 5 июн

## Саховат



ли миллат фарзандлари ўзлари севган қўшиқни айтиб, рақсга тушиб дилдан яйрайдилар. Абдуғаффор ака 7 нафар болақайнинг суннат тўйини ўтказиб, катта савобга қолди. Болажон, меҳрмуруватли бундай инсонлар ҳамisha бор бўлсин.

Д. АХМАД олган суратлар.

## ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Оққўрган туманидаги 78-мактаб интернатда асосан етим болалар тарбияланади. Бироқ улар ўзларини ёлғиз ҳис этмайдилар. Хукуматимиз уларнинг илм олиб, касб-хунар ўрганишлари учун барча шароитларни муҳайё этган. Қизлар қисқа вақт ичида ажойиб тикувчи, ўғил болалар эса дурадгор бўлиб етишмоқда.

Мактаб-интернатнинг ўз меҳрибонлари бор. Жумладан, бағри кенг инсон Абдуғаффор Норматов 5 йилдан буён бу ердаги ўғил ва қизларга ҳомийлик қилиб келмоқда. Ҳар байрамда у тўқин дастурхон ёзиб, барчани дарага чорлайди. Тур-



Қозоғистонда самбо бўйича Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Чемпионатда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди.

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЮТУФИ

Ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда полвонларимиз 6 та медални қўлга киритишди. Т.Ўтаев ва Б.Ҳасанов олтин, Р.Бердибоев, И.Одилов, Н.Рустамов ва А.Бозоров бронза медалларни олишга муваффақ бўлди.

Турнирда Ўзбекистоннинг ёшлар жамоасига ҳам омад кулиб боқди. П.Латипов, У.Жабборов ва И.Тахтамов олтин медалларга, Х.Мухторов, У.Иброҳимов ва А.Абдуллаев бронза медалларга сазовар бўлишди.

Катталар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ҳамюртларимиз Б.Ҳасанов - олтин, Ш.Жўраев - кумуш, С.Эргашев, урганлик А.Абдуллаев ва тошкентлик А.Абдуллаев ҳамда У.Жаббаров бронза медаллари соҳиби бўлишди.

## «ТИКО» МУБОРАК, СЕВАРА!

Наманганда бўлиб ўтган ёшлик ва дўстлик байрами - «Универсиада - 2000» мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг анжуман қатнашчиларига табриқ мусобақаларга кўтаринки руҳ бахш этди. Кўкси ғурур ва шижоатга тўла ёшлар спортнинг ўнга яқин тури бўйича ўзаро бахшлашди. Ҳалилар Президентимизнинг махсус соврини - «Тико» енгил автомобил соҳиби бўлишди.

Совриндорлар орасида шахмат бўйича голибликни қўлга киритган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети толибаси Севара Юсубалиева ҳам бор эди. Кунги кеча ана шу олий ўқув юртида голибани шарафлаш маросими бўлиб ўтди. С.Юсубалиевага Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус соврини - «Тико» автомашинаси қалити тантанали равишда топширилди.

## ЕЛКАСИ ЕРГА ТЕГМАГАН ЙИГИТ

«Универсиада - 2000» дея аталган спорт байрамининг шукуҳли кунлари ортда қолди. Бир ҳафта мобайлида гўзал Наманганнинг бир қатор шаҳар ва туманларида мухташам спорт ишроотлари қизгин беллашувларга, мурасасиз курашларга бой бўлди. Спортнинг 9 тури бўйича ўтган қизгин бахслар сўнгида энг кучлилар аниқланди. Президентимиз совринлари - 15 та «Тико» автомобили ўз эгаларига топширилди. Улар орасида Наманган Давлат университети толиби Аюбхон Камолов ҳам бор.

Наманганлик спорт ишқибозлари хотирасидан бир умрга ўчмайди ана шу файзли дамларнинг тўртинчи кунини. Жаҳон кураши деб аталадиган полвонлар беллашуви ўтказиш кўзда тутилган вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли уч заллик улкан спорт мажмуининг катта спорт залига одам сизмайди. Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахтимиздан келган жамоа вакиллари - бирин-кетин уртага чи-

## Шу сонга хабар

### ДЕНОВДА КЕЧКИ БОЗОР

Денов шаҳридаги Ш.Рашидов номли кўчанинг марказида замонавий усулда кечки бозор қуриляпти. Бундай улкан ишроот «Бободехқон» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ўзаро келишуви асосида ҳашар йўли билан барпо этиляпти.

Ҳиссадорлик жамияти раиси Зиёдулла Алимардоновнинг ташаббусига қўшилган бозор маъмурияти ходимлари, кўнгилчилар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар асосан ишдан бўш вақтларида ёрдамга келишяпти. Айни дамларда расталар, ўтиргичлар ўрнатилди. Бозор атрофи ўралиб, устки қисми ёпиляпти. Бу хайрли ишларда Чори Элмуродов, Иззатулла Қурбонов, Олим Абдуллаев, Тўлқин Жўраев, Алишер Тўраевларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

## Ғалла - 2000 РИЗҚ-РЎЗ НЕСТ-НОБУД БЎЛМАСИН!

Сирдарё вилояти хокимлигида ғалла ўримиғими мавсумини сифатли ва уюшқоқлик билан ўтказишга масъул барча ташкилотларнинг вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Сирдарё вилояти хокими А.Исроилов бошқарди.

Йиғилишда вилоят ғаллакорлари бу йил давлатга 186 минг тонна ғалла топшириши лозимлиги қайд этилди. Кўпчилик туманларда деҳқонлар сув тақчиллигига қарамадан ғалладан юқори ҳосил етиштирган. Мутахассисларнинг фикрича, Бобўт ва Гулистон туманларида шартнома мажбуриятлари 135-140 фоизга урдалаш имконияти мавжуд. Ғалла ўримиғими жадал олиб борилаётган Ховос туманида кўпгина фермер хўжаликлари давлат буюртмаларини бажаришди.



Маълумки, бу йил ёгингарчилик кам бўлди. Сув тақчиллиги туфайли Мирзаобод ва Меҳнатобод туманларидаги ғалла экилган майдонлар зарар қўрди. Дўстлик», «Тошкент» ва «Деҳқонобод» хўжаликларидан мўлжалланганидан кам ғалла етиштирилди. Шунинг учун ғалла ўримиғими ташкилотчилик ва омилкорлик билан, исрофгарчиликларга йўл қўймай ўтказишга эришиш лозим.

Вилоятда ўримиғими мавсумида ғаллазорларга 359 та комбайн, жумладан 114 «Кейс» машинаси чиқарилади. Йиғилишда уларнинг барчаси мавсумга тайёрлиги ва эҳтиёт қисмлар билан тўлиқ таъминлангани қайд этилди. Еқилгимоиллаш материаллари ҳам етарли миқдорда тайёрлаб қўйилган.

Ғаллани даладан элеваторларга ташиш учун бир ярим мингдан ортиқ автомашина зарур. Вилоятдаги автотранспорт корхоналари бунча машина билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун йиғилишда ғаллани ташиш ишларига хусусий юк автомашиналари эгаларини кенг жалб қилишга қарор қилинди. Хўжаликларга қисқа мuddатда хусусий автотранспорт эгалари билан шартномалар ва меҳнат шартномаларини тузиш, банкларга эса ҳисоб-китоб рақамлари очилишини таъминлаш топширилди.

Тўлқин АХМАДАЛИЕВ, ЎЗА мухбири.

## «Универсиада - 2000» чемпионлари

каётган полвонларга қараб ҳавасингиз келади. Ниҳоят, гиламда матонат ва мардик кураши бошланди. Навбат НамДУ толиби Аюбхон Камоловга етганда эса зални тўхтовсиз қарсақлар тутди. Ҳар тарафдан «Бўш келма, Аюбхон», «Нимага қодирлигингни кўрсат» деган овозлар эшитилди. Бу, бевоз эмасди, албатта. Зеро, Аюбхон йиғилганлар гувоҳлигида гиламга кўп бор тушган, ҳар гал зафар кучиб мухлисларини хушнуд этиб келлаётган эди.

Аюбхоннинг рақиби «Тошкент-1» жамоаси вакили Темур Аҳмедов чиқиб келганда залга бир дақиқалик жимлик чўккандек бўлди. Чунки Темур кўришидан унча-мунча рақибга бўш келмайдигандек эди. Чиндан ҳам Темур анча кучли бўлиб, жуда қаққон ҳаракат қиларди. Бироқ шунга қарамадан

ллуб этган Аюбхон ярим финал баҳсида жаззахлик полвон Жаҳонгир Ашуров билан бел олишди. Анча кучли рақиб ҳисобланган Жаҳонгирнинг ҳам катта устунлик билан мағлубиятга учратган Аюбхон Камолов ўзининг нимага қодир эканлигини намойиш этди.

...Аюбхонлар хонадонини Наманганда спортчилар оиласи сифатида билишяпти. Оила сарбони Абдулла Камолов от спорти ишқибозларидан. Водийнинг қай ерида кўпқари дарагини эшитса, унда иштирок этмагунча кўнгли тўлмайди. Катта анхор суви қаёққа оқса, кичиги ҳам ўша томонга қараб жилдирайди, деган нақл бор. Шу боисми, тўнгич фарзанд Авазхон ҳам болалигиданок спортга меҳр қўйди. Самбо ва дзюдо бўйича вилоятнинг номдор спортчилари сафидан жой олди. Отаси ва акаси сингари Аюбхон ҳам ақлини танибдики, спорт билан ошно. Бу борада бир қатор муваффақиятларга эришди. Илк бор у шарқона яккама-якка курашнинг

дзюдо туридан спорт устаси талабларини бажарди. Шунингдек, самбодаги муваффақиятлари ҳам салмоқли бўлди. Бир неча йил муқаддам эса Қозоғистоннинг




Ғистоннинг Ақтибнинг шахрида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиб катта ғалаба билан қайтди. Дарвоқе, қахрамонимизнинг бетиним машқлардан, ўқиб-ўрганишдан толиқмаслигини, излашдан, ўз устида ишлашдан чарчамаслигини айтмай ўтиш адолатдан эмас. Зотан, ана шу излаш ва интилишлар ўз самарасини берди. Спорт устаси Аюбхон Камолов «Универсиада-2000» чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Қолаверса, ҳалқимиз ўзининг яна бир мард ва танти ўғлини борлигидан бохабар бўлди. Аюбхонни эришган ютуқлари билан муборақбод этарканмиз, бундан кейин ўзбек спорти номини оламга ёйишида омад, яна-да юксакроқ чўқуларни эгаллашда оқ йўл тилаб қоламиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҚДА

Навоий вилоят хокимлигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда республика Адлия вазирлиги махсус гуруҳининг вилоятда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш борасидаги текширув якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман хокимларининг ўринбосарлари, Адлия вазирлиги вакиллари, солиқ, банк идоралари раҳбарлари, ҳуқуқ тартибот органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни вилоят хокими Ф.Дилов бошқарди.

Вилоятда Президент фармонлари, қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш борасида анчагина ишлар қилинган таъкидланди. Аммо Навоий шаҳри, Хатирчи ва Навоий туманларида айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Фермерларга ер ажратиш масаласида тўқсинликлар бўлаётгани, шартнома мажбуриятлари бузилаётгани, текширишни тартибга солиш қоидаларига амал қилинмаётгани қаттиқ танқид қилинди. Айрим банк мутасаддиларининг айби билан тадбиркорларга кредит ажратиш, пулларини ўз вақтида бериш турли баҳоналар билан орқага сурилаётгани уқтириб ўтилди. Йиғилишда камчиликларга йўл қўйган идора ва ташкилот раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилди.



Жамоа шартномаси ва инсон манфаати

«Жанубгаз» қурилиш трести очик турдаги хис-саторлик жамияти Урганч шаҳрида жойлашган бўлиб, республиканинг барча вилоятларида табиий газга тааллуқли қурилиш-монтаж ишларини амалга оширади.

ФАХРИЙЛАРГА ИМТИЁЗ

Трест касба уюшма кўмитасининг маъмурият билан тузган жамоа шартномаси шартлари бажарилишига эришиб келинмоқда. Унда ишчи-хизматчилар учун етарли шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, фахрийлар, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш ишлари кенг ўрин берилган. Шу ерда ишлаб пенсияга чиққан 381 нафар собиқ ишчи-хизматчилар ҳолидан доимий хабар олиб турилади. Ишчиларнинг аксарияти трассаларда меҳнат қилишади. Шу боис ёзининг жазирамаси-ю, кишининг совуқларида ҳам ишлашга тўғри келади. Иш салмоғи ошган сайин, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам шунчаки юқори бўлиб бораверади. Трестдаги ўртача ойлик маоши 25-27 миңг сўмни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам бу ташкилотда ишлаб пенсияга чиққанларнинг нафақа пуллари салмоқли бўлмоқда. Жамоа шартномасида

Анъана бу йил ҳам давом этиб келмоқда. Трест касба уюшма кўмитаси ишчиларни, фахрийларни, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътиборни кучайтирапти. Масалан, байрам ва ҳайитларда ходимларга имтиёзли нархларда 11 миллион сўмлик ун, 4 миллион сўмлик гуруч маҳсулотлари тарқатилди. Кўмита Хива шаҳридаги болалар уйини ҳомийликка олган. Вера Пак директорлик қилаётган бу масканда болаларнинг бакаму-кўст яшашлари, камол топишлари учун чинакамига гамхўрлик қилинмоқда. Трест томонидан болалар уйига 376 миңг сўмлик рангли телевизор ва магнитофон олиб берилганлиги фикримиз далилидир. Маъмурият биносининг олди яқин йилларга шўр босган, ташландиқ ерлар эди. Трестга Едией Каримов бошлиқ бўлиб келгандан кейин энг аввало ободончилик ва кўк-ламзорлаштиришга эътибор кучайтирилди. Қисқа муддатда маъмурият биноси ҳовлиси гулзор ва боғга айлан-тирилди. Иш самардорлиги ошганлиги туфайли ишчиларнинг даромадлари ҳам ўсди. **Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**



Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни касб-хўнарга ўргатиш борасида талай ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, кўплаб касб-хўнар коллежлари фойдаланишга топширилмоқда. — Янгийўл туманидаги Гулбахор кўрғончасида ҳам 900 ўринга мўлжалланган янги замонавий касб-хўнар коллежи жадал суръатлар билан қурилмоқда. Бу ишоот мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида ўқувчиларни қабул қилади. Мажмуа бош пудратчиси масъулияти чекланган «Бинокор-8» жамоаси бўлиб, ҳозир бу ерда 2 сменада 300 ишчи фаолият кўрсатмоқда, — деди участка бошлиғи Алишер Пейсинов. — Бундан ташқари «Тошвилоятқурилиш» ва тумандаги бошқа кўпгина қурилиш ташкилотлари ҳам баҳамжihat меҳнат қилмоқдалар.

Суратларда: 1.Пайвандчи Элдар Амирхонов. 2. Бригада бошлиғи Йўлдош Худойбергенов шогирди Улуғбек Нишонбоев билан.

МАҲАЛЛАДА ТАРҒИБОТ ГУРУҲИ

Нурота туман хотин-қизлар кўмитаси қошида «Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга ошириш, маънавий бой, ахлоқан пок, билимли ва бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот гуруҳи тузилган бўлиб, унинг тарки-

келмоқдалар. Айниқса, Попанай, Деҳибаланд, Жарма, Оққула, Тиканли қишлоқларида ёшларни оилавий ҳаётга маънавий, жисмоний, тиббий жиҳатдан тайёрлашга оид, Очил Қодиров маҳалласида «Қайнона ва келин бурчи» мавзусидаги суҳбатлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Улар маҳалла ва мактабларда турли мавзудаги йиғилишлар, қизиқарли суҳбатлар ўтказиб

**Ялғош САРИЕВ.**

Тармоқ касба уюшма кўмиталарида МУАММОНИ ДОИМИЙ КОМИССИЯ БАРТАРАФ ЭТАДИ

Мирзачўл туман агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшма кўмитаси ўз фаолиятини давр талаблари асосида такомиллаштириб бормоқда. Бунда 29 нафардан иборат кўмиа аъзоларининг фаоллиги кўл келаяпти. Бу ҳақда ушбу кўмиа раиси Насриддин Бобоев шундай дейди: — Аввало, фаолиятимизни режалаштиришга эътиборни кучайтирганмиз. Йиғилишларимизда қўрилган долзарб масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар ижро қилиш учун жойларга юборилиб, ижроси қатъий назоратга олинади. Йиғилишларга масалаларни тайёрлашда кўмитамиз қошида фаолият юритадиган ташкилий, маданий, меҳнатни муҳофаза қилиш, доимий ҳаракатдаги семинар каби комиссиялар иши самарали бўлаётир. Мазкур комиссияларга ўз ишининг билимдон, жамоада обрў-эътибор қозонган фаолларини раҳбарлик қилишяпти.

Доимий комиссиялар ечимини қабуллаган масалаларни ўз йиғилишларида кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилмоқда. Масалан, «Болаларнинг ёзи дам олишини ташкил этиш аҳоли тўғрисида»ги масала маданий комиссияси йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унинг тақлифига кўра бу йил туман қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бошқармасига қарашли «Мирзачўл» болалар оромгоҳида 450 нафар боланинг ҳардиқ чиқариши кўзда тутилган. Бу ўтган йилдагидан 3 баробар кўп, демакдир. Яқинда «Галаба» ширкат ҳўжалиғи касба уюшма ташкилотиде иш юри-тиш аҳоли тўғрисидаги масала ҳам комиссия йиғилишида кўрилди. Бу борада айрим камчилик ва нуқсонлар мавжудлиғи аниқланди ва уларни бартараф этиш учун аниқ вазифалар белгиланди. «Мирзачўл» ҳўжалиғида 1999 йил учун тузилган жамоа шартномаларининг айрим бандлари бажарилмаганлиғи аниқланди. Натижада, ҳўжалиқнинг иш ҳақидан қарздорлиғи 8,4 миллион сўмни ташкил этади. Айрим ҳолларда ходимга таътил пуллари ўз вақтида берилиши таъминланмаган, Ижтимоий сугурта, аъзолик бадаллардан қарздорлик юзага келган. Жорий йил учун қабул қилинган жамоа шартномаларида юқоридеги нуқсонлар эътиборга олинди. Шунингдек, комиссиялар раёсат йиғилишларига масалалар тайёрлаш ишига ҳам жалб этилаётир. Масалан, «Ержар» пахта тозалаш, туман таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхоналарида маъмурият ҳамда касба уюшма кўмиталари меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишлари ҳақидеги масалани шу соҳадаги доимий комиссиянинг 5 кишидан иборат аъзолари тайёрлаб, раёсат йиғилишига киритдилар. У гоят чуқур, изчил, малакали тайёрлангани боис йиғилиш таъсири ўтди. **Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.**

ЁШЛАР ХўНАРМАНДИЛАР САФИГА

Избоскан Андижон вилоятининг аҳолиси зич жойлашган туманларидан бири. Бу ерда 170 миңг киши истиқомат қилади. Шу боис, туман ҳокимлиғи одамларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширяпти. Яқинда хайрли бир ташаббусга кўл урилди. Мактабларни битираётган 2392 нафар йигит ва киз ўртасида жамоатчилик сўрови ўтказилди. Унинг натижалари туман меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими томонидан таҳлил этилди. Битирувчилардан 583 нафари хўнарманд бўлиш истегини билдирдилар. Сартарош, қосиб, дурадгор, чевар, тадбиркор бўлишни истовчилар ҳам кўп эди. Туман ҳокимлиғи, жойлардаги касба уюшма кўмиталари кўпгул усталарни бир-бир аниқладилар. Ҳам жиҳатликда амалга оширилган ишлар туфайли 242 нафар йигит-қиз хизмат соҳасида, 210 нафари қишлоқ ҳўжалиғида, 27 таси саноат корхоналарида, 15 киши эса қурилишда, 23 нафар оловқалб ёшлар ижтимоий-фўдалли меҳнат билан шўғулланадиган бўлдилар. 66 нафар мустақил ҳаётга йўлланма олганларга жисмоний шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди. Мактабларда сўнги кўнгирик янграган кўннинг эртасига битирувчиларнинг барчаси ажойиб ўйингоҳга йиғилдилар. Туманда кўпчиликка танилган қосиб, қурувчи, дурадгор каби хосиятли касб эгалари ёш шогирдларига яхши ният билан хўнармандлик анжомларини топширдилар. Демак, шу кўндан бошлаб ёшлар яратувчилик меҳнатига бел боғладилар.

Улуғ савоб УЛАР ФАҚАТ МЕҲРГА ТАШНА

Болажонлик — халқимизга хос азалий одат. Фарзандларнинг шодон кулгиси янграган хондон файзли бўлади. Бу борада эзгу ният билан амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизнинг буюк келажагини барпо этадиган баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани савдо департаменти раҳбарияти ва бирлашган касба уюшма кўмитаси яқинда мазкур тумандаги 21- меҳрибонлик уйида анъанага айланиб қолган хайрли тадбирни ўтказди. Файзли дастурхон атрофида меҳрибонлик уйининг 220 нафар тарбияланувчиларига ош тортилди. Юнусобод тумани савдо департаменти бирлашган касба уюшма кўмитасининг раиси Д. Зайнитдинова, «Юнусободсавдо» жамоа корхонаси раҳбари Б. Азизов болаларга энг эзгу ниятларини изҳор этдилар. «Замон» гуруҳининг дилрабо куйи ва кўшиқлари болаларга бир олам шодлик бахш этди. Тарбияланувчи Алишер Маҳмудов «Ўзбекис-тоним» кўшиғини ижро этиб, қалбларга ҳаяжон солди. — Кўнгли яримта ўғил-қизларнинг дардига малҳам бўлиш, қувончига-қувонч кўшиш катта савобли ишдир. «Савобли ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак» деган ҳикматли ўғит ҳаммамиз учун ибратлидир, — дейди Д. Зайнитдинова. — Биз бошқа вақтларда ҳам уларнинг ҳолидан хабар олиб, зарур ёрдам кўрсатиб, ҳомийлик қилишга, саховат кўрсатишга интиляпмиз. Бу йил 21-меҳрибонлик уйида ўрта мактабни 8 нафар йигит, 7 нафар қиз тамомлайди. Уларни ишга жойлаштириш устида иш олиб боряпмиз. **У. ПўЛАТОВ**

**Ш. НЕЪМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

Истиқлол берган имкон

Сухбатдошим тадбиркорлик кўчасига биринчи-лар қаторида қадам қўйган. Нияти кўп, максасди аниқ, улуғ ишларни амалга оширяпти. У Урганч туманидаги «Шердор» хўсусий корхонаси раҳбари Туроб Раҳмонов.

— Айрим кишилар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун катта сармоа ва ёрдам керак, дейишади. Сиз ишни нимадан бошлагансиз? — Мен туман маийш хизмат кўрсатиш корхонасида ишлаганман. 1990 йилда бу соҳада ижара усули қўллана бошладим. Корхонанинг бир қисмини ижарага олдиқ. Балки тадбиркорлик фаолиятимиз ана ўшундан бошлангандир. Дастлаб туманда биринчи марта кир ювиш хизматини ташкил қилдик. Бу ишни шифохоналар, боғчалар ва бошқа ташкилотларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш орқали ривожлантириб бордик. Маийш хизмат кўрсатишга икти-сослашган «Шердор» ижара корхонасининг асосий масканларини туман марказида жойлашган эди. Қишлоқларда янги сартарошхоналар,

радио-телевизор, этикдўзлик устоналари очди. Турли марказда 6 та автомашина сотиб олиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этдик. — Шунга қарамасдан, бизда маийш хизмат кўрсатиш даражаси паст, қармови унчалик кенг эмас. Сиз шу ҳақда қандай фикрда-сиз? — Тўғри гапни тан олишимиз керак. Бу соҳада орқада қоляпмиз. Умуман корхонани хўсусийлаштиргандан кейин биз анча ўзгартишларга эришдик. Янги иш жойлари ташкил қилинди. Корхона-миз хизмат кўрсатиш мас-

канларининг 80 фоизи қишлоқларда жойлашган. — Туроб ака, 10 йил оз муддат эмас. Шу даврда эришилган натижалардан қониқая-сизми? — Эл-юрт манфаати йўлида қанча меҳнат қил-сак кам. Демак, хотир-жамликка берилиш мумкин эмас. Ниятларимиз амалга ошаётганидан мамнунман, ҳар ҳолда

эмасми? — Матбуотга жуда қизиқаман. Туман телевидени-есиға 1991 йилда Самар-қанд телевидениесининг бир бўлими сифатида асос солгандик. Бир йил-дан сўнг алоҳида фаоли-ят юрига бошладик. Энди ўз телестудиямиз, ўз теле-миниорамиз бор. Кўрса-тувларимиз Урганч, Тойлоқ туманларига узатилади. Хўш, бу ишга нега кўл ур-

дик? Одамлар янгилик-лардан, бўлаётган воқеа-лардан хабардор бўлиши, санъат, адабиёт дурдона-ларидан баҳра олиши, ҳаётдан завқланиши ке-рак. Матбуот, телевиде-ние инсоннинг тушунчаси-ни, дунёқарашини, ҳаёт тарзини ўзгартиришда му-ҳим омилдир. — Узингиз, оилангиз ҳақида ҳам билишни истардик. — Тўрт нафар ўғлим бор. Урганчнинг Тегинабе-гим деган тарихий қиш-

лоғида яшаймиз. Қиш-логимиз ўтмиши Амир Темур тарихи билан боғлиқ. Улуғ Соҳибқир-оннинг онаси Тегина-бегим ташрифи туфай-ли қишлоқ шундай ном олган экан.

Ватан остонадан бошланади. Миллий ме-росимизга айланиб қол-ган муқаддас китоблар-да ҳам яхшиликни ав-вало яқинларингга қил, дейилган. Ҳамқишлоқ-лардан қадрдонроқ одамлар борми бу дун-ёда. Қисқаси, қишлоқ-да қаттагина маънави-ят-маърифат масканини тикладик. Бу ерда ку-тубхона, клуб, чойхона, тикувчилик, сартарош-хона, этикдўзлик уста-хоналари — жами 32 турда хизмат кўрсата-диган маскан бўлади. Бу маскан ва қишлоқ ҳудудига 2 миңг тунга яқин дарахт кўчатлари ўтказдик. Қисқаси, қўлдан келганича эл хизматида бўлишга ҳаракат қилапмиз.

**Сухбатдош: Р. ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ БОР ФЕРМЕР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ БОР ФЕРМЕР

анча-мунча ривожланиш бўлди. Ўтган йилларда тикувчилик, пичоқчилик, сандиқчилик ҳам йўлга қўйилди, 4 та мойжувоз, 2 та тегирмон, шлакоблок цехлари, 2 та дўкон ишга туширилди. Ўш кўлами кенгайгани сабабли хўсу-сий корхонамиз таркиби-да 5 та кичик корхона ташкил қилдик. — Корхона тасарру-фиде Урганч туман «Чи-нор» телевидениесини ташкил қилибсиз. Бу анча машаққатли иш

Касбақўм ўрни ва обрўси

Хал қилувчи бўғинларда фаолият юригаётган касба уюшма ташкилоти нуфузи, аввало унинг етакчилари тадбиркорлиғи, ташкилотчилиғи ва қатъийлиғига боғлиқ. Бозор шароитида масъу-лиятни зиммага олиб, муаммоларни иложи бо-рича жойида ҳал этиш, одамлар қалбига йўл топиш, уларни максасд сари бирдек сафарбар этиш осон эмас. Бунинг учун айнан меҳнаткаш-ларнинг мутлоқ ишончини қозониш, давр тала-бига монанд равишда фаолият юритиш такозо этилади.

Республикаимиздаги корхоналар, муассаса-лар, ташкилотларда иб-рат қилиб кўрсатса ар-зийдиган кўплаб кас-ба уюшма етакчилари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Бироқ, таълим ва фан ходим-лари Бандихон туман касба уюшма кўмита-си раиси Н. Менгниеъзов хўсусида бундай дейиш қийин. Боиси, у ло-қайдлик, ўзибўларчи-ликка берилиб, юксак ишончини ҳозирча оқлай олмаяпти. Маълум бўлишича, Н. Менгние-зов икки йилдан бугўн шу вазифада ишлаётган экан. Сухбат жараёни-да ҳали ўз соҳасининг муҳим жиҳатларини яхши билмаслиғи, таш-килотчилик, қатъийлик етишмаётганлиғи яққол сезилди. Ҳаётий мисол-ларга эътиборни қара-

хонинг шароити мурак-каб. Чўлда ишлашнинг ўзи бўлмайд, ахир. Шу боис, ўқитувчилар ҳақида алоҳида меҳрибонлик қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлашти-риш тўғрисида бош қоти-риш лозим. Афсуски, тадбирлар ташкилотчи-

ЛОҚАЙДЛИК ТОҚАЙГАЧА?

тайлик. Туманда 25 та умумтаълим ўрта мактаб бор. Шундан 4 таси за-монавий услубда қурил-ган, қолган 21 та илм маскани мослаштирилган биноларда жойлашган. Таажжубки, уларнинг бир-онтасида бошланғич кас-ба уюшма ташкилотла-ри учун хоналар ахра-тилмаган. Муаммолар вақтида ҳал этилмаганлиғи ту-файли улар кўпайиб ке-тган. Жумладан, турли-фанлар бўйича дарс ўта-диган 82 нафар ўқитув-чи етишмайди. Банди-

аъзони бирлаштирган. Ким билан фикрлашманг, ўз эътирозларини баён этади. Қаранг, туман кўмитасига ўтган йили 18 та ариза ва шикоят туш-ган. Бироқ уларнинг ак-сарияти ўз ечимини топ-маган. Биргина ходим моддий ёрдам сўраган.

ойлари ичида тўртта ариза тушган. Бахтага қарши Виктор Тян, Эш-мамат Абдукаримов-нинг ҳам илтимослари қондирилмади. Касбақўм раисидан жамоа шартномалари ҳақида сўраганимизда, у: — Бор, лекин қаер-далигини ҳозир билол-май турирман, — деб жавоб қилди. — Бошланғич касба уюшма кўмиталари ра-исларини танийсизми? — Очиги, ҳаммасини эмас. — Улар билан охи-риги марта қачон муло-қотда бўлгансиз, фир-мулоҳазаларини тинг-лангансиз? — Эслолмаيمان... Ортиқча изохга ҳожат йўқ. Бу алпозда бошланғич ташкилот жанговарлигини таъ-минлаб, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлиш амримаҳол. Бу фикрга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасидаги мутасад-дилар қўшилишарми-кин? **Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.**

Намунали болалар оромгоҳлари

ТАБИАТИ СЎЛИМ, МАФТУНКОР

Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири. Бу ерда меҳнат қилаётган 4 минг нафардан ортик ишчи-хизматчилар республика саноати, транспортини ёқилги билан таъминлашда жонбозлик кўрсатаётир. Кўкдумалок, Уртабулок, Зеварда, Қултак-Помук-Аланг газ конларидан чиқётган нефт маҳсулотлари мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

ғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Уларнинг мириқиб дам олишлари, кийим-кечак, барча шароитларга эга ётоқхона билан таъминланишида бошқарма маъмурияти, касаба уюшма кўмитаси яқиндан ёрдам бериб келяптилар.

Хайдар Қаландаров мутахассислиги бўйича муҳандис-технолог. У қаерда ишлаганини, дастлаб озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига аҳамият беради. У иш бошлаган йили оромгоҳда нон ишлаб чиқариш цехи ташкил этди. Бу билан болаларнинг нонга бўлган талаби тўла қондириляпти. Ҳар куни цехдан 2 минг дона турли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, дастурхонга тортилади. Масофанинг узоқлиги ҳамда унга транспорт харажати қўшилса, бир кунда нон етказиб бериш учун 30 минг сўм иқтисод қилинар экан. Иқтисод қилинган маблағ эвазига қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олинмоқда. Шунинг учун ҳам болалар дастурхони-



Бошқармада ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнатидан сўнг дам олишлари, саломатликларини яхшилашлари учун кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, келажакимиз эгалари бўлган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бунинг яққол далилидир.

Бошқарма маъмурияти, касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчилар фарзандларини ёзги соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар «Ёш алангачи» оромгоҳи айнан бошқарма тасарруфидида бўлиб, унга касаба уюшма кўмитаси раҳбарлик қилади.

Китоб туманидаги «Қайнар» қишлоғи юқорисидида жойлашган бу оромгоҳ табиатнинг мусоффолиги, гўзаллиги билан ажралиб туради.

Оромгоҳ бир мавсумда 1200 нафар болани соғломлаштиришга мўлжалланган, - дейди бошқарма касаба уюшма кўмитаси раиси Давлат

кофотларга тақдим этган эдилар. Шулар орасида Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси тасарруфидидаги «Ёш алангачи» оромгоҳининг борлиги ҳам қувончли ҳолдир. Қисқа вақт ичида бир ерда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Умумий майдони 11 гектарни ташкил этадиган оромгоҳ Тошкент - Термиз шох йўлининг Тахтақарача довоидан Китоб туманига ўтиш



Биринчи сменада мазкур Меҳрибонлик уйининг 30 нафар болалари дам олдириляпти.

Хайрли ишлар бошида турган бошқарма бошлиғи, Республика Олий Мажлиси депутаты Нуриддин Зайниевнинг болалар саломатлиги, уларни соғломлаштириш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари барчани қувонтирмоқда, - дейди оромгоҳ раҳбари Хайдар Қаландаров.

«Ёш алангачи»да 40 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. 12 та жамоанинг ҳар бирига 25 нафардан бола бириктирилган бўлиб, оромгоҳ бош етакчиси Альберт Уматов уларнинг юриш-туришидан, машгулотларидан бохабар.

Болалар кенг ва ёруғ ошхонада иштаҳа билан овқатланиб, яна табиат кўчогига отландилар. Сайру саёҳатлар қилиб, мароқли дам олишлари учун етакчилар улар атрофида парвона.

Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси Сафар Ҳамроев бошчилигидаги касабамуҳо фаоллари вақти-вақти билан болалардан хабар олиб турадилар. Оромгоҳ раҳбари

ни энг сархил мевалару турли ширинликлар безаб турибди. Оромгоҳ билан Муборак шахрини боғлайдиган қарийб 250 километр масофага бошқарма томонидан махсус транспорт ажратилган. Шу боис ҳам ота-оналар фарзандларини кўриш учун ҳеч қийинчиликсиз оромгоҳга келиб кетадилар.

Оромгоҳни мавсумга ҳозирлаш учун Китоб туманидаги «Комил» хусусий корхонаси, Шаҳри-сабз туманидаги «Газмонтаж» идораси, Яккабоғдаги «Сувоқова» корхонаси ҳодимлари катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Бу эса Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси раҳбарияти, касаба уюшма кўмитасининг болаларга кўрсатаётган ғамхўрликларининг ёрқин ифодасидир.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири. Суратларда: оромгоҳ фаолиятидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

«Ишонч» фош этади

Тошкент шаҳар ИИББ Коррупция ва рўқетга қарши курашиш бошқармаси ҳодимлари пойтахтимиздаги катта бозорлар ҳудудида товлamacилик, фирибгарлик билан шугулланаётган шахсларни аниқлаш ва уларни қўлга олиш юзасидан катъий режа асосида катгор тезкор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Қуйида ана шулар ҳақда сўз юритилади.

Бозорлар ҳудудида ноқонуний фаолият юритаётган киморбоз гуруҳлар ўз ҳалол меҳнатлари билан етиштирган маҳсулотларини сотиш мақсадида узоқ-яқиндан ташриф буюраётган деҳқону боғбон, чорвадорлару харидорларни йўлдан уриб, уларнинг ҳалол пулларини турли хил хийла-найранг, фирибгарлик йўли билан шилиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Фикримизнинг исбо-

роботатова номи бор, лекин ўзи йўқ сохта телевизорни осонгина ютиб олиш вазвасаси билан ўйинга киришиб кетиб, 7000 сўм пулини ютқазади. Шундан кейин ўйинда «бетараф» оддий ўйинчи кўринишида катнашаётган киморбоз Ирина Кочеткова Скоробатовага: «Ютқазиб кетаверма, қўшимча ўйнаб пулингни ютиб олгин. Мен сенга қарз берман», дейди. Скоробатова «раҳмдил, сахий» аёл И.Кочет-

вазифасини ўтаган. У ўйинга ҳалақит берувчи бекорчи томошабинларнинг «кимор» столига яқинлашишига ҳалақит қилган. Гуруҳнинг 44 ёшли аъзоси Бахтиёр Эминжонов соқидаракчи, ўйидан норози бўлганларнинг «овозини» ўчирувчи вазифасини адо этган. Қўлга тушган иккала «Шанс» киморбозлик гуруҳлари ўйинидаги асосий «сир» телевизор ўйналганда тўсатдан бир ютқунинг ўша вақтнинг ўзида икки ўйновчига чиқиб қолиш ҳолатидир. Шундай ҳолатда ўйин бошқарувчиси кимор нархи - «ставкиси»ни оширман, ким энг кўп устама пул қўшиб ўйнаса ютук - телевизорни ўша ўйинчи олади, - деб «хукм» чиқаради. Шундан

НАЙРАНГБОЗЛАР

ти учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Ўтган йил охирида Юнусобод бозоридаги фаолиятига чек қўйилиб, жинойий жавобгарликка тортилган «Снастливиий случай» («Бахтиёр воқеа») киморбозлик ташкилотчиси Андрей Ким ушланиб тинтув қилинган пайтда унинг ёнидан 260 минг сўм, 36 дона картоққалар, 69 дона «Бахтиёр воқеа» лотереялари ҳамда қалбаки «Рекламный агент аттракциона «Снастливиий случай» тамгаси чиққан эди. Бу киморбозлар тўдаси ўша пайтда товлamacилик, хийла-найранг, дўқ-пўписа билан фуқаролар Кундуз Зайниддинованинг 40 минг сўм пулини, Назира Леонтьеванинг 1300 АҚШ доллари микдоридидаги валюта маблағини, «Карвонсарой» улгуржи-савдо бозоридида Баҳодир исмли киморбоз бош бўлган гуруҳ эса тадбиркор фуқаро Мансур Абдурасуловнинг 50000 сўм пули ҳамда паспортини дўқ-пўписа билан тортиб олиш пайтида қўлга тушди. «Отчопар» буюм бозоридида «Шанс» («Омад») номи билан ғайри-қонуний «иш» олиб борган товлamacилик-фирибгарлар Денис Васильев, Владимир Ким, Леонид Павлов, Рустам Содирков ва Вячеслав Мациевскийлардан иборат киморбозлар бозорга кийим-кечаклар харид қилиш ниётида тушган Валентина Суковичанинг 143 минг сўм пулини «ўмарётган» вақтида тезкор милиция ҳодимлари тузогига илинган эдилар.

Тезкор бошқармага «Отчопар» бозоридида иккита янги киморбозлар тўдаси «иш»га киришганлиги тўғрисида хабар келгач, уларни зўдлик билан қўлга олиш режаси ишлаб чиқилди. Фирибгарларни зарарсизлантириш вазифаси тақрибали катта милиция зобитларидан Неймат Аҳмедов, Шерзод Жалиловларга топширилди. Режа бўйича ўтказилган кузатишларда қуйидагилар аниқланди: «Отчопар» бозоридида икки гуруҳ кимсалар ўзаро жинойий тил бириктириб, тегишли руҳсатномага эга бўлмаган ҳолда «Шанс» («Омад») лавҳаси номи билан ниқобланган кимор ўйинини ташкил этадилар. Аслида уларнинг мақсадлари фуқароларнинг пулларини ўзлаштириб олишдан иборат бўлган. 27 апрел куни эрталаб соат 11 лар атрофида хусусий тадбиркор Любовь Скоробатова шу ўйин устидан чиқди. Киморбозлар хийла-найранглар билан аёлни ўйинга жалб этадилар. Сабаби, бу ўйинга энг катта «ютуқ» сифатида қимматбаҳо «Дуе» рангли телевизор (аслида ўйинга ҳақиқий телевизор эмас, балки унинг ҳужжатлари: паспорт, кафолат талонлари, бўш картон қутиси) қўйилган эди. Киморбоз тўданинг ҳайбаракаллачилари томонидан ҳовлиқтирилган Л.Ско-

ковадан 6000 сўм қарз олиб, ана шу пулларни ҳам киморга ютқазиб қўяди. Кетишга ҳаракат қилганда қарз берган Ирина: «Менинг пулимин бермайсанми, муттаҳам!»,- деб тадбиркор аёлнининг ёқасидан ушлаб қисувга олади. Киморни бой берган аёл: «Қарз пулини «Олой» бозори яқинидаги ўйдан олиб берман», - дейди. Ўйин бошқарувчиси ўз ҳамтовқоқлари— Ирина Кочеткова ва Тохир Нурматовни «қарз»ни ундириб олиш учун жўнатади. Улар қарз пулини ундираётган пайтларидида милиция зобитлари Ш.Жалилов ва Н.Аҳмедовлар томонидан қўлга олинди. Айни пайтда мана шу киморбоз тўдасининг яширинишига улгурган аъзоларини қўлга тушириш чора-тадбирлари қўриляптир.

Юқоридида номлари зикр этилган тезкор ҳодимлар худди шу бозорда ноқонуний йўсинда ҳеч қандай руҳсатсиз иш олиб борган 5 кишидан ташкил топган иккинчи киморбоз тўдасини ҳам «қизил иш» устида тегишли ашёвий далиллар билан ушладилар. Киморбозлар гуруҳи алдов йўли билан ўйинга жалб этилган хусусий тадбиркор Гулсанам Мамажонованинг 20000 сўм пулини ютиб олган пайтда «қопқонга» илинди. Улар тинтув қилинганда кимсаларидан жами 52000 сўм пул топилди. Терговчилар Р.Жўраев ва Рустам Раҳимов «Шанс» номи билан «иш» юритган гуруҳнинг «иш услуби», таркибий тузилиши ва ҳар бир гуруҳ аъзоси бўлган киморбознинг ўйин жараёнида бажарувчилик ролини қуйидагича тасвирлаб беришди: Энг асосийси кимор ўйини ўйналадиган столча ниҳоятда ихчам, чиройли бўлиши ва қизил дужоба билан қопланган бўлиши шарт. Бу ўйинга катнашувчиларнинг диққатини жалб қилишга хизмат қилади. Гуруҳнинг бошқарувчиси кўриниши масъул хизматчига ўхшаш, дид билан кийинган бўлиши керак. Бу вазифани 30 ёшли чиройли Анжелика Пардаева адо этган. Демак, у маданиятлик «раҳбар» аёл ролда бўлган. 1970 йилда туғилган, илгари судланган Наталия Бажутина бир қанча «ютуқларни» ютаётган интизомли, четдан келган киморбоз аёл сифатида катнашган. Унинг асосий вазифаси томошабин бўлиб турганларни кимор ўйинига жалб этиш. Бошқарача айтганда у четдан келиб ютиб турган фуқаро ролдаги сохта ўйинчи. Гуруҳ аъзоси Элвира Фойсбонова сохта телевизор «ютуғи» чиққан ҳолатда шу ютуққа ногаҳон даъвогар бўлган иккинчи чет, бетараф ўйинчи ролини ижро этган. Киморбозлар тўдасининг яна бир аъзоси Мария Пескарёва (товлamacилик учун илгари судланган) кимор ўйини пайтида «девор» (стенка)

сўнг ютуқ нархи чархпалакдек айлана-ошаверади. Ўйинга аралашиб қолганлар ютуқни олиш мақсадида бор-йўқларини тикиб ютқазаверадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш шарт, «Шанс» кимор ўйинида ҳеч ким ва ҳеч қачон сохта телевизор «ютуғи»ни юта олмаган ва юта олмайдми ҳам. Бунинг сабаби бир ютқунинг тўсатдан икки даъвогар ўйинчига чиқиб қолиши, уларнинг жон аччиғида ўйин нархи оширилиши оқибатида бор пулларини ютқазиб, яна қарздор бўлиб қолишлари ҳолатидир. Ўйинни ютқазганларнинг пуллари эса ўйин пайтида «енг» ичида кимор бошқарувчиси қўлга тушиб, кейин қўлма-қўл узатилиб «қарз бериш» услубига хизмат қилади...

Қўлга тушган барча ноқонуний киморбозлик гуруҳи аъзолари ўз жинойий қилмишлари учун Ўзбекистон Республикаси Жинойий кодексининг 168 модда 3-4 қисм бандлари асосида жинойий жавобгарликка тортилди.

«Ҳаром лўқма ош бўлма» деганлар. Ҳар бир текли-қўр-қиморбоз ўзига тегишли насибасини олди. Йирик бозорлар ҳудудларида ноқонуний йўсинда фаолият юритиб, жиноятлар содир этувчи уюшган киморбозлик илгачига қарши кураш фақат Ички ишлар вазирлигининг коррупция ва рўқетга қарши кураш бошқармаларининггина иши эмас, балки кенг жамоатчилик, йирик бозорлар маъмуриятларининг янада фаолроқ иштирок этишларига боғлиқ деб ўйлаётимиз. Кейинги маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтимиздаги «Паркент», «Олой», «Сирғали», «Юнусобод» ва «Фарҳад» очик турдаги ҳиссадорлик жамоатчилиги бозорлари ҳудудида Ҳамза, Юнусобод, Сирғали туманлари Ички ишлар бошқармаларининг шу бозорлар ҳудудидаги жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш таъин постлари милиция ҳодимлари, солиқ назорати, санитария эпидемиология хизмати жамоалари ҳамкорликда иш юритиб ижобий натижаларга эришмоқдалар. Ана шундай ҳуқуқбузарликка қарши курашда содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда, ҳуқуқнинг қарор, фермойишлари билан аҳрлини таништиришда бозорлар истиёридаги радио тармоқи ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бундай иш тахрибасини ҳамма жойда кенг қўллаш айни муддаодир.

Эркин ҚАЮМОВ, Тошкент шаҳар ИИББ қошидаги коррупция ва рўқетга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги. Малик НУРИДДИНОВ, журналист.

ЖУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга Ҳамидулла Премкулов жавоб беради.

САВОЛ: Болаларга бериладиган нафақаларнинг тайинлиниши ва тўланиши тўғрисида батафсил тушунча берсангиз.

Олмаҳон Жўраева, Бухоро шаҳри.

ЖАВОБ: Бунинг учун қуйидаги жадвалга мурожаат қилиш зарур:

Болали оилаларга тўланадиган нафақа турлари

Table with 8 columns: №, Нафақа турлари, Нафақа ҳажми, Тўланиш жойи (иш жойида, ижтимоий таъминот бўлимида), Нафақа тайинлаш (белгилаш) учун зарур ҳужжатлар, Нафақа тўлаш манбаи, Асослар. It details various types of child maintenance payments and their legal bases.

Президент мактубини олган отахон

ДУОГА ОЧИЛГАН ҚЎЛ

Бахтли ва фаровон ҳаётимиз йўлида жон олиб, жон берган инсонларни ҳар қанча ардоқласак оз. Чунки, уларнинг ҳалол меҳнатлари ва чеккан машаққату заҳматлари биз учун ибрат бўлибгина қолмай, катта ҳаёт мактаби ҳамдир.

Ана шундай инсонлардан бири Наманган вилоятининг Уйчи туманида яшовчи Маматхон ота Боймирзаевдир. У армия сафига отланганида бўз йигит эди.

— Шиддатли жанглар давом этаётган бир пайтда душман ўқидан уч еримдан қаттиқ яраландим, — дея хотирлайди Маматхон ота. — Ҳушсиз қолиб кетганимда курулдош дўстим Муҳиддин Дадабоев ёғилиб турган ўқ ёмғирга қарамай, мени жанг майдонидан олиб чиқди.

Жангчи Маматхон Боймирзаев ҳарбий госпиталларда узок даволанишлардан сўнг, 1943 йилнинг июлида иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб она қишлоғи Ерқўрғонга қайтди. Қиш



асло эсдан чиқармайди. Ушбу мактуб унинг Қўрбошимизга йўлланган миннатдорлик хатига жавоб эди.

Президентимизнинг самимий сўзлари ва совға-саломлардан бағоят таъсирланиб отахон беихтиёр дуога қўл очади:

— Менинг камтарона мактубимни беэтибор қолдирмай, жавоб хати ёзишга ҳам вақт топибдилар-а. Илоёт, биз каби инсонларни эъзозлаётган юртимиз отасининг боши омон, мартабаси бундан-да улуғ бўлсин. Бошимиздаги бахт куши доимий, Ватанимизнинг тинчлиги ва осейишталиги боқий бўлиб, ёмон кўзлардан асрасин.

Ҳозирда кексалик гаштини сураётган Маматхон ота турмуш ўртоғи Ҳадичахон ая билан 10 нафар фарзанди, неваро-ю эваларни, қолаверса, давлатимиз ардоғида умргузаронлик қилмоқдалар.

М.КОДИРОВ.

Суратда: Маматхон ота Боймирзаев келини Тожиҳон билан Қўрбошимиздан келган қадрли мактуб билан танишмоқда.

лоқ хўжалиги соҳасида ярим асрдан зиёд фаолият кўрсатиб, хўжалик иқтисодийотининг ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Истиқлол йилларида отахоннинг Ватан ва халқ олдидagi ҳалол меҳнатлари муносиб тақдирланди. Айниқса, отахон Республикамиз Президентини Ислоҳ Каримовдан мактуб олган кунни

Ўқинг, қизиқ!

Маъданлар ичида энг қаттиқларидан бўлган вольфром Ер кўрасида сайёрамиз вазнининг 0,0001 фоизини ташкил этади. Соф вольфрам 3410 даража ҳароратда эрийди ва 6690 даражада қайнай бошлайди. Бунақанги ҳарорат Қуёш сиртида кузатилади.

Вольфромдан ясалган буюмлар жуда мустаҳкам бўлади, лекин айна пайтда бу маъдан қайишқоқдир. Қаранг, бор-йўғи 200 грамм келадиган вольфромдан нақ 80 минг метр сим ясаса бўлар экан.

ЭНГ ҚАТТИҚ МАЪДАН

Илк бор вольфромни швед кимёгари К.Шееле бундан 210 йил муқаддам топан эди. Кейинчалик маъданлар мустаҳкамлигини ошириш учун уларнинг таркибига вольфром қўшиладиган бўлди. Чунинчи, 1907 йилда хром, кобальт ва вольфромдан иборат стеллит қотишмаси тайёрланган бундай қотишмадан ишланган кескичлар бир дақиқа мобайнида 45 метргача маъдан кесиши мумкин эди.

XX аср бошларида ихтирочи А.Ладингг вольфромдан чўлганма тола учун фойдаланиш борасида тадқиқот олиб бориб, 1911 йили мурод ҳосил қилди. Бугунги кунда бундай чўлганма толали лампалар хонадонимизни ёритиб тургани ҳаммага аён.

Ўзбекистонда вольфрам конларини тадқиқ этишни Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги марҳум аллома Ҳабиб Абдуллаев бошлаб берган эди.

САРВНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Чехия шимолидаги ботқоқликда юз ёшли сарв дарахти ўсади. Мана энди шу ботқоқликдан кўмир қазиб олишга йўл очиб учун сарв ўз ўрнини бўшапти беришга тўғри келди.

Баландлиги йигирма метр ва оғирлиги ўн олти тонна бўлган бу улкан дарахтни барибир сақлаб қолишди. У ботқоқликдан ўн саккиз километр нарига кўчириб ўтказилди.

Сарв Люст шаҳрининг Мадашат саройидаги майдонда салобат тўкиб турибди. Ҳа, у янги маконда ўз ҳаётининг иккинчи асрини бошлади.

ҒИЙБАТУЛЛО

Текис йўлга чиқиб олгач, машинага газ бердим. Тўсатдан осмондан тушдим, ердан чиқдим, йўл четиди Халтаев кўриниб қолди.

Юзи товук чўқилаган пўчоқдек, қорни қанордек, кўринишидан тую ҳурқадиган бу киши маҳалламизга янги кўчиб келган.

У тиржайиб «тўхтат» дегандек имо қилди. Тўхтатдим. Халтаев машинага чиқаркан бидирлай кетди:

— Каримбой, омонликми, кеча машинани авария қилгандек туюлдинг менга.

— Эй, нафасингиздан ел учирсин, унақа деманг!

— Йўқ, рост, тунов кунни ўнг елкам оғриган эди. Бу бахтсизлик аломати. Ўнг томонимда яшайдиганлар ичидан сендан бошқа ҳеч ким машина бошқармайди. Биласанми, шу елкам шу пайтгача янглишмаган эди.

— Кўшимиз Зокиров ўзи юрист бўлсам, по-

рахўр шекилли, кеча «Жигули» машинасида бирор бир халта ун ташлаб кетди. Биласанми, мен нимани сезиб қолдим. Фозилжоннинг хотини ҳалигидайроқми, дейман... Ҳар кун эшик олдида почтальон бола билан чақчақлашиб, ҳиринг-ҳиринг қулади. Бир гап боров!

Сассиқ оғиздан, сассиқ гап. Ортиқ сабрим чидамади. Унинг башарасига ижирганиб қарадим-да:

— Ҳа, бир гап бор, почтальон бола Нигоранинг туғишган укаси бўлади. Кўнгилни оқ қилинг, кўшни, — дедим.

— Йя, шундайми? Ма-

ҳаллада ҳали янгимизда, акаси! Халтаев калса эчкининг йўталига ўхшаб ҳиринглади.

— Каёққа бормоқчисиз ўзи, — гийбатдан уни чалғитмоқчи бўлдим.

— Икки кун бўлди, қизим бувисиникига кетган. Қизинг олдинда бўлмасаям кўнглин-га ҳар хил гап келаркан. Уни олиб келгани кетяпман.

Кўп ўтмай узокдан йўл четиди турган бир қизнинг қораси кўринди. Халтаев бир тамшаниб, сўнгра тирсаги билан бикинимга туртди:

— Каримбой, бахтимиз келдимми, ана шу қулинг ўргилсинни кабинага, ўртамизга олақолайлик...

Бирдан Халтаевнинг овози ўчиб, дами чиққан шардек бўшашиб қолди. Йўл бўйида унинг қизи Саломат турарди.

Эркин ЭРМАТОВ.

Футбол

ОМАД — КУЧЛИЛАР РАҒБАТИ

Статистика тўғрисида одамга ўхшайди. У ёқдан айланадиган ўтсангиз ҳам, бу ёқдан нигоҳ ташласангиз ҳам на чапга, на ўннга шох ташлайди. Таркиб жиҳатдан ҳар қанча кучли бўлмасин, «Самарқанд-Динамо» мураббийлари «Пахтакор» билан учрашувга ҳадиксираб муносабат билдирганлари бежиз эмас. Шу пайтгача икки жамоа ўртасида ўтказилган ўйинларнинг фақат биттасида галаба наҳидасини сурган самарқандликлар учун бу галли баҳс ҳам осон кечмаслиги кутилганди.

Боз устига «Пахтакор» учун бу учрашувни голиб сифатида янғулаш сув билан ҳаводек зарур эди. Сабаби, биринчидан, бу ўйин жамоа биринчи даврада ўз майдонида ўтказадиган сўнги учрашув бўлса, иккинчидан, пешқадам ортидан изма-из қувиб келаётган командани мағлуб этиш тоб ташлаб қолган ишончини яна қайтариши билан ҳам гоёт аҳамиятли эди.

Омад — кучлилар рағбати, деб айтганларича бор экан. Шу кун пахтакорчилар муносиб ўйин кўрсатдилар, энг муҳими, футболчиларда галабага бўлган иштиёқ сезилиб турди. Лекин ғайрат маҳорат билан ўйун бўлгандагина мақсадга эришиш мумкинлигини исботлаш меҳмонларга насиб этди. Таъбир жоиз бўлса, кенг фронт бўйлаб ҳужумлар, чиройли комбинациялар ва албатта, футболчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниб ҳаракат қилишлари охир оқибатда ўз самарасини берди.

Гарчанд биринчи гол муаллифи сифатида пахтакорчи Одил Исабоевнинг номи қайд этилган бўлса-да, бу кўпол хато учун уни айблов унчалик тўғри бўлмайди. Футболда шунга ўхшаш антиқа воқеалар кўп учрайди. Бу гал ҳам шундай ҳол юз берди. Ўнг қанотдан Олим Тиллаев томонидан узатишган тўпга моҳир ҳужумчи Муҳсин Му-

ҳаммадиев билан барабар ташланган Одил беҳосдан тўп йўналишини ўз дарвозаси томон ўзгартириб юборди. Шу тариқа самарқандликлар ҳисобда олдинга чиқиб олдилар ва айтиш мумкин, улар кутилмаганда келган омадни қўлдан чиқармадилар. Шухрат Жабборов галабани муносабат билдирганлари бежиз эмас. Шу пайтгача икки жамоа ўртасида ўтказилган ўйинларнинг фақат биттасида галаба наҳидасини сурган самарқандликлар учун бу галли баҳс ҳам осон кечмаслиги кутилганди.

Боз устига «Пахтакор» учун бу учрашувни голиб сифатида янғулаш сув билан ҳаводек зарур эди. Сабаби, биринчидан, бу ўйин жамоа биринчи даврада ўз майдонида ўтказадиган сўнги учрашув бўлса, иккинчидан, пешқадам ортидан изма-из қувиб келаётган командани мағлуб этиш тоб ташлаб қолган ишончини яна қайтариши билан ҳам гоёт аҳамиятли эди.

Омад — кучлилар рағбати, деб айтганларича бор экан. Шу кун пахтакорчилар муносиб ўйин кўрсатдилар, энг муҳими, футболчиларда галабага бўлган иштиёқ сезилиб турди. Лекин ғайрат маҳорат билан ўйун бўлгандагина мақсадга эришиш мумкинлигини исботлаш меҳмонларга насиб этди. Таъбир жоиз бўлса, кенг фронт бўйлаб ҳужумлар, чиройли комбинациялар ва албатта, футболчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушуниб ҳаракат қилишлари охир оқибатда ўз самарасини берди.

Гарчанд биринчи гол муаллифи сифатида пахтакорчи Одил Исабоевнинг номи қайд этилган бўлса-да, бу кўпол хато учун уни айблов унчалик тўғри бўлмайди. Футболда шунга ўхшаш антиқа воқеалар кўп учрайди. Бу гал ҳам шундай ҳол юз берди. Ўнг қанотдан Олим Тиллаев томонидан узатишган тўпга моҳир ҳужумчи Муҳсин Му-

жамоалари ўртасидаги ўйин турнир ҳаққидаги баъзи тахминларга бир мунча аниқлик киритди. Чемпионатнинг моҳир тўпурари Жаъфар Ирисметов ва жамоа сардори Фарид Хабибуллин томонидан киритилган жавобсиз икки тўп Тошкент вилояти командасига уч очко келтирди ва у 41 очко билан ҳамон ўз таъқибчисидан етти очко илгариллаб бормоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Андижон» — 2:0, «Хоразм» — «Насаф» — 0:0, «Турон» — «Сурхон» — 1:4, «Металлург» — «Нефтчи» — 0:0, «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 0:1, «Гулистон» — «Қизилқум» — 0:0, «Семурғ» — «Зарафшон» — 3:0, «Кимёгар» — «Темирйўлчи» — 4:3.

Навбатдаги тур 11 июн кун бўлиб ўтади. Бунгача футбол шана-вандалари аҳойиб учрашувнинг гувоҳи бўлишди. 7 июнда Наманганда «Навбахор» жамоаси Фарғонанинг «Нефтчи» командасини қабул қилади. Бу ўйин «Навбахор»нинг қитъа кубоғи соҳиблари баҳсларида иштироки муносабати билан кечиктирилган эди.

З.РИХСИЕВ.

ЎН ОЛТИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Table with columns: Жамоалар, ў, ю, д, м, т, н, о. Lists football teams and their statistics.

Касаба уюшма спортни

Таълим ва фан ходимлари Шўрчи туман касаба уюшма кўмитаси туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда тармоқ ходимлари ўртасида спартакиада ўтказди. Шўрчи шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи ўйингоҳи мажмуида бўлиб ўтган мусобақаларда 8 та худудий босқич голиблари спортнинг шахмат, футбол ва волейбол турлари бўйича куч синашдилар.

МАЙДОНДА - ЎҚИТУВЧИЛАР

Гоёт қизиқарли ўтган футбол беллашуварларида 13-ўрта мактаб ўқитувчиларининг қўли баянда келди. Амир Темур ва Собир Раҳимов номли мактаблар жамоалари эса кейинги ўринларга муносиб қўрилди. Волейбол бўйича ўтказилган баҳсларда ҳам 13-мактаб жамоаси биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Шахмат мусобақаларида Низоми, Алишер Навоий ва Йўлдош Охунбоев номли мактаб ўқитувчилари омад қилиб қолди.

Спартакиада сўнгида голиб ва совриндорлар фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

САЛОМАТЛИК СПАРТАКИАДАСИ

Ш.Рашидов номли туман халқ таълими ходимлари касаба уюшма кўмитаси ўзининг «Соғлом авлод йили»даги тadbирлар режасига кўра таълим муассасалари ўртасида 8-саломатлик спартакиадасини ўтказди.

Спартакиада иштирокчилари спортнинг волейбол, мини футбол, шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Стол тенниси, волейбол мусобақаларида 2-мактаб жамоаси йигитлари голибликка эришган бўлсалар, шашка, шахмат бўйича 14-мактаб вакиллари кўли баянда келди.

Мусобақа голибларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

ТИЛИМИЗ СОҒЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Республика атамашунослик кўмитаси ҳамда ЎзФА Тил ва адабий институти томонидан «Мустақиллик даври атамашунослиги: муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция ўтказилди.

— Давлат тили тўғрисидаги қонунин қабул қилинганига 11 йил бўлаётган бўлса ҳамки, ҳалигача оммавий ахборот воситаларида тилимизга ёт бўлган, суный равишда форс ва араб тилларидан ноўрин ўзлаштирилган атамалар учраб қоляпти. Анжуманимизнинг асосий мақсади бу борада қандай ишларни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида йиғилганларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитиб, келажак йўналишларни белгилаб олишдан иборат, — деди Атамақўм раиси Одил Ёкубов.

— Тилимиздаги тўсиқ олиб ташланганидан кейин бу соҳадаги ишлар араб ва форс тилларидан муқобиллар излаш ҳамда жаҳон тиллари қабул қилган байналмилал терминларни ўз ўрнида ишлатиш каби йўналишларда олиб борилди. Ҳозирги ўзлаштирилган тайёрагоҳ, олийгоҳ, жариди, ойнома каби араб-форс сўзларининг эса суныйлиги, ясамалиги яққол кўзга

ташланиб турибди. Фикримча, мамлакатимиз жаҳонга юз тутаяётган бир пайтда, биз албатта иккинчи йўналишни танлашимиз лозим.

— Маълумки, иқтисодиёт техника соҳаларида анча йиллардан буён ишлатилиб келинаётган терминларнинг кўп қисми бошқа тиллардан, хусусан, лотин, инглиз, француз, немис тилларидан рус тили орқали ўзлаштирилган. Тилимиз соғлиғига эришиш учун биз ўзбек тилининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларнинг маълум бир қисминини таржима қилишимиз, энг маълуми эса муқобилларни танлаб, амалиётга жорий этишимиз лозим, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига ЎзФА Тил ва адабий институти Терминология бўлими мудири Неъматилла Маҳкаммов. — Бу ишлар шу соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда, уларнинг илмий асосланган таъсияномалари асосида олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Айни пайтда бўлишимиз ҳозирда жуда зарур бўлган «Ўзбекча-русча иш юритиш атамалари» луғатини нашрдан чиқарди. Бундан ташқари, ўн жилдан иборат «Ўзбек тилининг луғати», «Дипломатия терминлари луғати», «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати» устида иш олиб борилаётган, — деди пировардида Н.Маҳкаммов.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), «Ишонч-Доверие», М.Олимов, М.Содиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табак. Умумий алади 14.002 нусха. Сотишда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона маълумоти: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти: 21.00. Топширилди 22.40